

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА АКС ЭТИШИ**

Мирзаев Камолиддин Абдуллаевич

Тошкент давлат юридик университети,
Халқаро тижорат ҳуқуқи йўналиши магистри

Аннотация: *озиқ-овқат хавфсизлиги - ҳар бир инсоннинг соғлом ва етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларига доимий равишда эга бўлиши каби ҳуқуқий ва инсонпарварлик тушунчасини ўз ичига олади. Мазкур тезисда озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси ва унинг халқаро ҳуқуқда акс этиши таҳлил қилинади. Бу тушунча БМТ, айниқса ФАО ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ва БМТнинг Озиқ ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан қабул қилинган бир қатор ҳужжатларда ўз ифодасини топганлиги ва халқаро ҳуқуқда қандай мустаҳкамланганлиги юзасидан қисқача маълумот берилади.*

Калит сўзлар: *озиқ-овқат хавфсизлиги, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Тарифлар ва савдо бўйича бош битим, раунд, савдо тарифлари, жаҳон хўжалиги.*

**ПОНЯТИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И ЕЁ
ОТРАЖЕНИЕ В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ**

Мирзаев Камолиддин Абдуллаевич

Магистрант направления международного торгового права
Ташкентский государственный юридический университет

Аннотация: *продовольственная безопасность включает в себя гуманитарное и правовое понятие, означающее, что каждый человек должен иметь постоянный доступ к здоровой и достаточной по количеству пище. В данном тезисе рассматриваются понятие продовольственной*

безопасности и его отражение в международном праве. Отмечается, что данное понятие получило закрепление в ряде документов, принятых в рамках ООН, особенно в деятельности ФАО, а также в рамках Всемирной торговой организации. В тезисе кратко рассматривается, как это понятие закреплено в международном праве, в том числе в документах Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН, Совета ООН по правам человека и других международных актах.

Ключевые слова: продовольственная безопасность, Всеобщая декларация прав человека, Всемирная Торговая Организация, Генеральное соглашение по тарифам и торговле, раунд, торговые тарифы, мировое хозяйство.

**THE CONCEPT OF FOOD SECURITY AND ITS REFLECTION IN
INTERNATIONAL LAW MIRZAYEV KAMOLIDDIN ABDULLAYEVICH**

Mirzayev Kamoliddin Abdulayevich

Master's Student in International Commercial Law
Tashkent State University of Law

Abstract: food security encompasses a humanitarian and legal concept that ensures every individual has constant access to healthy and sufficient food. This thesis analyzes the concept of food security and its reflection in international law. It briefly outlines how this concept is expressed and established in a number of documents adopted within the framework of the United Nations, especially the Food and Agriculture Organization (FAO), and the World Trade Organization (WTO). Special attention is given to how food security is recognized and reinforced in international legal instruments, including documents adopted by the UN Human Rights Council and the Food and Agriculture Organization.

Keywords: *food security, Universal Declaration of Human Rights, World Trade Organization, General Agreement on Tariffs and Trade, trade rounds, trade tariffs, global economy.*

Кириш

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси ва унинг мазмуни турли халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган. Энг кенг тарқалган таърифга кўра, озиқ-овқат хавфсизлиги бу - "барча одамларнинг ҳар доим фаол ва соғлом турмуш тарзи учун етарли, хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатга жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан эга бўлиш имконияти"дир.¹ Ушбу таъриф 1996 йилдаги БМТнинг Озиқ-овқат бўйича жаҳон саммитида қабул қилинган бўлиб, кейинчалик БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан ривожлантирилган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги концепциясининг замонавий тушунчаси XX асрнинг 40-йиллари ўртасида, Иккинчи жаҳон уруши даврида шакллана бошлади. 1943 йилда Хот-Спрингс шаҳрида (АҚШ) озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 44 та давлат, шу жумладан, СССР вакиллари иштирок этди. Ўша вақтда кўплаб мамлакатларда озиқ-овқат инқироzi юзага келган, аҳоли очликдан азият чекар эди. Конференция иштирокчилари «очликдан холи бўлиш» мақсадига эришишни устувор вазифа сифатида белгилашди, бу эса ҳар қандай эркак,

¹ Food security: concepts and measurement <https://www.fao.org/4/y4671e/y4671e06.htm>.

аёл ва болани ишончли, тўғри ва етарли озиқ-овқат билан таъминлашни назарда тутарди.²

Озиқ-овқат хавфсизлиги концепцияси қуйидаги 4 асосий компонентни ўз ичига олади:

1. Озиқ-овқатнинг мавжудлиги – бу етарли миқдордаги сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги;
2. Озиқ-овқатга эришиш имконияти – одамларнинг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини олиш учун етарли ресурсларга эга бўлиши;
3. Озиқ-овқатдан фойдаланиш – тўйимли ва хавфсиз озиқ-овқат истеъмоли орқали етарли энергия ва озуқа моддаларини олиш;
4. Барқарорлик – аҳолининг озиқ-овқат билан узлуксиз таъминланиши.³

Ўз навбатида, ФАО озиқ-овқат хавфсизлигини озиқ-овқат маҳсулотларини соғлиқ учун зарарли қилиб қўядиган ва ўткир ёки сурункали касаллик ҳолатига олиб келиши мумкин бўлган турли қўшимчалар, ифлослантирувчилар, табиий токсинлар ёки бошқа моддаларнинг йўқлиги ёки уларнинг рухсат этилган ва хавфсиз даражада мавжудлиги сифатида тавсифлайди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасининг халқаро ҳуқуқдаги талқини ва олимлар фикрида.

Халқаро ҳуқуқда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари кўплаб ҳужжатларда акс этган. 1948 йилда БМТ биринчи марта озиқ-овқатни

² С.А.Бондарева, «Продовольственная безопасность», Учебное пособие, Волгоград 2021 г., ст.-5.

³ The Four Pillars of Food Security <https://handbook.fscluster.org/docs/231-the-four-pillars-of-food-security>.

инсоннинг умумий ҳуқуқи сифатида тан олди ва уни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлади.⁴ Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида "ҳар бир инсон ўзи ва оиласининг соғлиғи ва фаровонлиги учун зарур бўлган турмуш даражасига, шу жумладан озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқига эга" эканлиги қайд этилган.⁵

Шунингдек, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддасида "ҳар бир инсоннинг етарли даражада овқатланиш ҳуқуқи" тан олиниб, иштирокчи давлатлар "ҳар бир инсонни очликдан халос қилиш учун зарур бўлган аниқ дастурларни қабул қилиш"га даъват этилган.⁶

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга янги ёндашув ҳинд олими Амарта Сеннинг "Қашшоқлик ва очлик" (1981 й.) асарида илгари сурилган бўлиб, унда озиқ-овқат хавфсизлиги алоҳида шахсларнинг овқатланиш ҳуқуқи нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади.⁷

Олим А.Сен очликни ўрганишда янги йўналиш очди - бу мавзудаги кизиқиши у болаликда, 1943 йилда Бенгалиядаги очликка гувоҳ бўлган пайтларидан бошланган. Унинг иши одамлар озиқ-овқат сотиб олиш учун пулга эга бўлмаганда очликка дуч келишларини тушунтиришга қаратилган эди.⁸ Бу нуқтаи-назар бир қараганда, оддий фикрдек туюлиши мукин, бироқ

⁴ С.А.Бондарева, «Продовольственная безопасность», Учебное пособие, Волгоград 2021 г., ст.-6

⁵ Universal Declaration of Human Rights, 10 December 1948, Article 25 <https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/2021/03/udhr.pdf>.

⁶ International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights, 16 December 1966, Article 11 <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-economic-social-and-cultural-rights>.

⁷ С.А.Бондарева, «Продовольственная безопасность», Учебное пособие, Волгоград 2021 г., ст.-6.

⁸ Финансы & развитие сентябрь 2004, ст.-5: <https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/rus/2004/09/pdf/people.pdf>.

аксарият мутахассислар ва сиёсатчилар бу муаммо озиқ-овқат ресурсларининг камайиши билан боғлиқ деб ҳисоблаган.

1981 йилда нашр этилган “Poverty and Famines” (“Қашшоқлик ва очлик”) китобида А.Сен Ҳиндистон, Бангладеш ва Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка мамлакатларидаги очлик ҳодисаларини таҳлил қилиб, кўплаб очлик ҳолатларида озиқ-овқат ресурслари ҳажми камаймаганини кўрсатди. Мисол учун, 1974 йилда Бангладеш озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг энг юқори чўққисига эришган эди.

А.Сен шунингдек, жабр кўрганлар фақат иқтисодий нарвоннинг энг паст поғонасида турган одамлар эмас, балки турли сабабларга кўра иқтисодий имкониятлари кескин пасайган шахслар эканини кўрсатди. Натижада, ҳукуматлар очликка қарши курашда озиқ-овқат тарқатиш эмас, балки камбағалларнинг йўқотилган даромадларини тиклашга эътибор қаратди.

2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг биринчиси айнан экстремал қашшоқлик ва очликни камайитишга қаратилган эди. 2015 йилда қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларининг иккинчи мақсади эса "очликни бартараф этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш ва барқарор кишлоқ хўжалигини ривожлантириш"га қаратилган.⁹

⁹ “End hunger, achieve food security and improved nutrition and promote sustainable agriculture”
<https://sdgs.un.org/goals/goal2>.

Умуман олганда, озиқ-овқат хавфсизлиги товарлар ишлаб чиқариш бозорларида барқарорликни сақлаш ва барча мамлакатлар учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлигини таъминлашдир.

"Озиқ-овқат хавфсизлиги" атамаси биринчи марта 1972-1973 йиллардаги дон инқирозидан сўнг халқаро муомалага киритилган. 1974 йили БМТ Бош Ассамблеясида "Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро мажбуриятлар" резолюцияси қабул қилинган. Унда жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги асосан "озиқ-овқат товарлари бозорларида барқарорликни сақлаш ва дунёдаги барча мамлакатлар учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлигини таъминлаш" сифатида талқин қилинган.

Олимлар озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш йўллари йўрганар экан, сўнгги 150 йил ичида учта озиқ-овқат режими ёки глобал озиқ-овқат тартиботининг шаклланиш босқичлари вужудга келганини таъкидлайди.

Биринчи озиқ-овқат режими 1870-йилдан 1930-йилларгача давом этган. Бу босқичга Европани (кўпинча очлик туфайли) тарк этиб, АҚШнинг Буюк тексликлари, Канада Прериялари ва Аргентина Пампаси каби ҳосилдор ерларга кўчиб ўтган миллионлаб муҳожирларнинг жойлашуви бошланғич нуқта бўлган. Атлантикадан келтирилган арзон дон Европага саноатлашув ва урбанизациянинг юқори суръатларини сақлаб қолиш имконини берди. Россия ҳам дон экспорт қилиш салоҳиятини тезда ошира бошлади.

Бу давр "Олтин стандарт"нинг жорий этилиши билан характерланади. Бу босқичда мустамлака қилинган ҳудудлар ва кўчманчи минтақалардан Европага ва Буюк Британияга "оддий" озиқ-овқат маҳсулотларининг

узлуксиз трансфери амалга оширилган. Буюк Британия эса ўзининг саноат товарлари, меҳнат кучи ва капиталини экспорт қилган.

Мустамлака ресурсларидан фойдаланган ҳолда, Буюк Британия бутун дунё бўйлаб “оддий” озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш тармоқларини кенгайтириб, дунё иқтисодиётида тижорат устунлигини ўрнатган.

Иккинчи озиқ-овқат режими ёки глобал озиқ-овқат тартиботини шакллантириш босқичи 1940-йиллардан 1970-йилларгача давом этди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари жаҳон озиқ-овқат тартиботининг урушдан кейинги босқичига ўтиш даври бўлди. Бу даврда Америка ҳукумати қишлоқ хўжалиги ортиқча маҳсулотларини сотиш учун қўшимча бозорларни излашга ҳаракат қилган. 1954-йилда АҚШ Конгресси муҳтож мамлакатларга озиқ-овқат ёрдамини пулли тўлов ёки кредит асосида тақдим этишни назарда тутувчи қонун қабул қилган.

Учинчи озиқ-овқат режими (1980-йиллардан ҳозирги кунгача) Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг таъсис этилиши ва ЖСТ Қишлоқ хўжалиги бўйича келишувининг кучга кириши билан характерланади. Бу даврда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки ташкил этилди.¹⁰

Бугунги кунда, озиқ-овқат занжири давлатлараро кенгайиб, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда яқин ҳамкорлик зарурлиги намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, аста-секин озиқ-овқат хавфсизлигининг давлатлар ривожланишига таъсири англолмоқда.

¹⁰ Экономическая безопасность России в продовольственном секторе экономики, <https://eor.dgu.ru/lectures>.

Ривожланаётган мамлакатларнинг экспорт салоҳияти билан унинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида хабардорлик ортиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти баҳолашича, дунё бўйлаб кунига ўртача 1,6 миллион киши хавфли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиши натижасида касалланади. Хавфли овқатлар 200 дан ортиқ касалликларни келтириб чиқаради, бу касалликлар ичида диареядан тортиб, саратонгача бўлган хасталиклар мавжуд. Булар бактериялар, вируслар, паразитлар ёки оғир металллар каби кимёвий моддалар билан зарарланган озиқ-овқатлар истеъмоли натижасида юзага келади. Бундан ташқари, хавфли озиқ-овқатлар саломатлиқнинг ёмонлашишига, жумладан ўсиш ва ривожланишнинг бузилиши, микроэлементлар етишмаслиги, юқумли ёки ноинфекцион касалликлар, шунингдек, рухий хасталикларга сабаб бўлади. Озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолатлар аҳолининг энг заиф қатламлари - болалар, қариялар, ҳомиладор аёллар ва иммун тизими заифлашган кишиларга кучли таъсир кўрсатади.¹¹

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш ҳолати бўйича ҳисобот:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан 2004 йилда ташкил этилган Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги органлари тармоғи (ИНФОСАН) бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни самарали кўриб чиқиш ва

¹¹ Francesco Branca "Keeping Food Safe, Even in Unexpected Situations" <https://www.un.org/en/un-chronicle/keeping-food-safe-even-unexpected-situations>.

тарқатиш мақсадида 187 та давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги органларини бирлаштирувчи муҳим платформа ҳисобланади.¹²

БМТнинг “Дунё бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш ҳолати” борасидаги йиллик ҳисоботида кўра, глобал инқироз чуқурлашаётган даврда очликдан азият чекаётган одамлар сони кетма-кет 3 йил давомида юқори даражада сақланиб қолаётганлиги қайд этилади.

Ҳисобот ҳар йили БМТнинг қуйидаги ташкилотлари томонидан биргаликда тайёрланади:

- FAO (БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти),
- IFAD (Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси),
- UNICEF (БМТнинг Болалар жамғармаси),
- WFP (БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури),
- WHO (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти).

Ҳисоботга кўра, 2023 йилда дунёда тахминан 733 миллион киши очликдан азият чекди. Ҳар 11 кишидан бири очлик ҳолатида бўлган, Африкада эса бу кўрсаткич ҳар 5 кишидан 1 нафарни ташкил этган. Агар мавжуд тенденциялар давом этса, 2030 йилга бориб 582 миллион киши сурункали етарли овқатланмасликдан азият чекиши мумкин, уларнинг тахминан ярми Африкада яшайди.

Г 20 глобал иттифоқининг очлик ва қашшоқликка қарши курашиш бўйича Бразилиядаги вазирлар йиғилишида тақдим этилган ҳисоботда, 2030 йилгача “Очликни тугатиш”га йўналтирилган 2-барқарор ривожланиш мақсадига эришишда дунё жиддий орқада қолаётгани ҳақида

¹² Ўша жойда.

огоҳлантирилди. Хужжатда дунё 15 йил орқага қайтгани ва очлик даражаси 2008–2009 йиллардаги даражага етгани қайд этилган.¹³

Ўз навбатида, ушбу ҳисоботдаги рақамларга эътибор қаратсак, 2023 йилда дунё бўйича 2,33 миллиард киши ўртача ёки оғир озиқ-овқат хавфсизлиги танқислигига дуч келган. Бу кўрсаткич 2020 йилда пандемия давридаги кескин ўсишдан сўнг деярли ўзгармаган. Улардан 864 миллион киши оғир танқислик ҳолатида бўлиб, айрим ҳолларда бир ёки бир неча кун овқатсиз қолган. Африкада эса, аҳолининг 58 фоизи озиқ-овқат танқислигидан азият чекмоқда.¹⁴

Соғлом овқатланишга иқтисодий имконнинг йўқлиги натижасида, 2022 йилда 2,8 миллиард киши соғлом овқатланишга қодир бўлмаган. Паст даромадли мамлакатларда бу кўрсаткич 71,5%, юқори даромадли мамлакатларда эса 6,3% ни ташкил этган. Осиё, Шимолий Америка ва Европада бу кўрсаткич пандемиягача бўлган даражадан пастга тушган бўлса-да, Африкада жиддий ўсиш кузатилган.

Болалар орасида эмизиш кўрсаткичи бўйича фақатгина кўкрак сути билан озиқлантириш даражаси 48 % га етган бўлса, бироқ, глобал овқатланиш мақсадларига эришиш ҳали ҳам қийин бўлмоқда. Туғилишдаги тана вазнининг пастлиги 15 %, 5 ёшгача бўлган болаларда ўсишдан орқада

¹³ “Глобальная продовольственная безопасность: вызовы и решения” <https://foodsmi.com/statistika-i-issledovaniya-globalnaya-prodovolstvennaya-bezopasnost-vyzovy-i-resheniya/>.

¹⁴ “Глобальная продовольственная безопасность: вызовы и решения” <https://foodsmi.com/statistika-i-issledovaniya-globalnaya-prodovolstvennaya-bezopasnost-vyzovy-i-resheniya/>.

колиш ҳолати эса 22,3 % даражасида. Аёллар орасида камқонлик (анемия) кўрсаткичлари ошган.¹⁵

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, Европа Иттифоқида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мукамал ҳуқуқий тизими шакллантирилган. Хусусан, 2002 йилда қабул қилинган 178/2002-сонли Регламент билан Европа озиқ-овқат хавфсизлиги органи (EFSA) ташкил этилган ва озиқ-овқат қонунчилигининг умумий принциплари ва талаблари белгиланган.¹⁶ Европа Иттифоқининг озиқ-овқат хавфсизлиги тизими "фермадан тарелкагача" принципига асосланган бўлиб, озиқ-овқат занжирининг барча босқичларида хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

АҚШда эса озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари FDA (Food and Drug Administration) ва USDA (United States Department of Agriculture) томонидан тартибга солинади. 2011 йилда қабул қилинган "Озиқ-овқат хавфсизлигини модернизация қилиш тўғрисида"ги Қонун (Food Safety Modernization Act) озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг превентив ёндашувини жорий этган.¹⁷

Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун махсус миллий стратегиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт

¹⁵ "Глобальная продовольственная безопасность: вызовы и решения" <https://foodsmi.com/statistika-i-issledovaniya-globalnaya-prodovolstvennaya-bezopasnost-vyzovy-i-resheniya/>.

¹⁶ "Regulation (EC) No 178/2002 of the European Parliament and of the Council" <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=celex%3A32002R0178>.

¹⁷ Full Text of the Food Safety Modernization Act (FSMA) 6 January 4, 2011 <https://www.fda.gov/food/food-safety-modernization-act-fsma/full-text-food-safety-modernization-act-fsma>.

қилиш ва сотиш жараёнларини қатъий назорат қилиш, шунингдек, озиқ-овқат захираларини яратиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.¹⁸

Бугунги кунда, ривожланаётган давлатлар ўз озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳажмларини ва экспорт салоҳиятини оширомоқдалар. Бироқ, улар молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда ва, одатда, озиқ-овқат секторига мустақил равишда кўмаклашиш ва аграр ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ўз маблағларига эга эмас. Хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммоли бўлиб қолмоқда, чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига сарфланган капитал узоқ муддатда ўзини оқлайди, ривожланаётган мамлакатларда эса бу янада жиддий хатарлар билан боғлиқ десак хато бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. С.А.Бондарева, «Продовольственная безопасность», Учебное пособие, Волгоград 2021 г., ст.-5-6.

2. Финансы & развитие сентябрь 2004, ст.-5
<https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/rus/2004/09/pdf/people.pdf>.

3. Экономическая безопасность России в продовольственном секторе экономики, <https://eor.dgu.ru/lectures>.

¹⁸ Strategy for Sustainable Food Systems MIDORI https://www.maff.go.jp/e/policies/env/env_policy/midori.html .

4. Проблемы мировой продовольственной безопасности,
<https://ecfs.msu.ru/news/problemyi-mirovoj-prodovolstvennoj-bezopasnosti>.

5. “Глобальная продовольственная безопасность: вызовы и решения”
<https://foodsmi.com/statistika-i-issledovaniya-globalnaya-prodovolstvennaya-bezopasnost-vyzovy-i-resheniya/>.

6. Francesco Branca “Keeping Food Safe, Even in Unexpected Situations”
<https://www.un.org/en/un-chronicle/keeping-food-safe-even-unexpected-situations>.

7. The Four Pillars of Food Security
<https://handbook.fscluster.org/docs/231-the-four-pillars-of-food-security>.

8. Universal Declaration of Human Rights, 10 December 1948, Article 25
<https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/2021/03/udhr.pdf>.

9. International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights, 16 December 1966, Article 11: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-economic-social-and-cultural-rights>.

10. Food security: concepts and measurement
<https://www.fao.org/4/y4671e/y4671e06.htm>.

11. “End hunger, achieve food security and improved nutrition and promote sustainable agriculture” <https://sdgs.un.org/goals/goal2>.

12. Full Text of the Food Safety Modernization Act (FSMA) 6 January 4, 2011 <https://www.fda.gov/food/food-safety-modernization-act-fsma/full-text-food-safety-modernization-act-fsma>.

13. Strategy for Sustainable Food Systems MIDORI
https://www.maff.go.jp/e/policies/env/env_policy/midori.html.